



ФАРҒОНА ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ФЕРГАНСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ

FERGHANA STATE
UNIVERSITY



ФИЛОЛОГИЯ
ФАКУЛЬТЕТИ

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЙ
ФАКУЛЬТЕТ

FACULTY OF
PHILOLOGICAL

БАДИЙ АДАБИЁТДА НУТҚ ВА УСЛУБ МУАММОЛАРИ


Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами
25 сентябрь 2020 йил

ПРОБЛЕМЫ РЕЧИ И СТИЛЯ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Сборник материалов международной научно-практической конференции
25 сентября 2020 г

PROBLEMS OF SPEECH AND STYLE IN FICTION

Collection of materials of the international scientific and practical conference
September 25, 2020



БАДИЙ АДАБИЁТДА НУТҚ ВА УСЛУБ МУАММОЛАРИ

Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами

2020 йил 25 сентябрь

ПРОБЛЕМЫ РЕЧИ И СТИЛЯ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Сборник материалов международной научно-практической конференции

25 сентября 2020 г.

PROBLEMS OF SPEECH AND STYLE IN FICTION

Collection of materials of the international scientific and practical conference

September 25, 2020

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи,
филология фанлари доктори, профессор Йўлдошхўжа Солижонов
таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро анжуман
материаллари

Фаргона-2020

3. Гухман М.М. Единицы анализа словоизменительной системы и понятие поля// Фонетика. Фонология. Грамматика. – М., 1971.
4. Филичева Н.И. Синтаксические поля. – М.: ВШ, 1977.
5. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. – Тошкент: Фан, 2007.

МИНБАР САЛОБАТИ

С.Мўминов,
профессор, ФарДУ,

Ш.Мўминов,
магистрант, ФарДУ

Аннотация

“Ахборот асри” дея ном олган ХХІ асрни минбарсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хўш, минбар ўзи нима? Унинг қандай турлари бор? “Минбар салобати” деганда нимани тушунамиз?.. Ушбу мақолада шу ва шу мавзуга ёндош саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинган.

Аннотация

ХХІ век – век информации нельзя представить себе без трибуны. Что же собой представляет трибуна? Какие существуют виды трибуны? В чем сущность понятия «авторитет трибуны»? В данной статье предпринята попытка найти ответы на эти вопросы по данной тематике.

Annotation

XXI century is informations' century. You can't imagin yourself without tribun. So, what is tribun? What kind of imagintivu you have about it? What nations has the word tribun? and the answers you can find in the given artical.

“Ахборот асри” дея ном олган ХХІ асрни минбарсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хўш, минбар ўзи нима? Унинг қандай турлари бор? “Минбар салобати” деганда нимани тушунамиз?.. Ушбу мақолада шу ва шу мавзуга ёндош саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да минбар сўзининг куйидаги маънолари берилган:

“МИНБАР [а. баланд жой, ўриндик] 1 дин. Масжидда имом ваъз айтадиган баланд жой.
2. Маъруза қилинадиган, ахборот бериладиган баланд курси; трибуна. Минбарга чикмок. Минбарда туриб гапирмок.

Адабий минбар Газета, журнал ва ш.к. ҳақида” [3, 598].

Изоҳлардан маълум бўлмоқдаки, МИНБАР – баланд жой. Бу жойга чиқиш, бу жойда нутқ ирод этиш ҳар қандай одамга катта масъулият юклайди. Чунки ўз номи ўзи билан БАЛАНД ЖОЙ деб эътироф этилган МИНБАРнинг ўз салобати бўлади. Ана шу салобат нотикни хушёр торттиради, ҳаяжонга солади. Бу ҳақда бутун фаолиятини муомала маданияти, нотиклик санъатига бахшида этган америкалик машхур социолог Дейл Карнеги ўзининг “Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати” номли асариди шундай ёзади: “Менга ўрнимдан туриш ва гапиришга тўғри келганда, – деб ёзади тингловчиларимдан бири, – ўзимни шунчалик сиқилган, шошиб қолган ҳис этаманки, мулақо равшан фикр юритолмайман, ўзимни қўлга олишни эплай олмай, нима демоқчи бўлганим ҳам эсимдан чиқиб кетади. Мен кўпчилик хузурида чиқиб, ўзимга ишонч ҳосил қилган ҳолда хотиржам фикр юритишни жудаям истайман.

Ўз фикрларимни мантикий тарзда ифода этиш, гуруҳ ёки иш юритиш соҳасида ёки клубда очик ва ишонарли гапиришни ўрганишни жуда-жуда хоҳлардим...” [1,3].

Қизиғи шундаки, бундай ҳаяжон фақат бошловчи нотикларгагина хос бўлмай, бутун ҳаётини мана шу соҳага бахшида этганларда ҳам содир бўлиб туради. Бу ҳақда дунёнинг машҳур нотикларидан бири ҳақидаги ривоятда шундай хикоя қилинади. Унда айтилишича, машҳур нотик бир галги катта анжумандаги маърузага кўнгилдагидек тайёргарлик кўролмай, нима қилишини билмай турган пайтда қўл остидаги қуллардан бири у маъруза қилиши керак бўлган анжуман бошқа кунга қолдирилганлиги ҳақидаги хабарни айтади. Бу хушхабардан хурсанд бўлиб кетган нотик хабарчини ўша заҳотиёқ қулликдан озод қилиб юборади.

Қадимги Грециянинг буюк нотикларидан бири Демосфен нотиклик санъатини пухта эгаллаш учун жуда кўп вақт ва куч сарфлайди. Унда бир қатор жисмоний камчиликлар мавжуд эди: овози паст ва дикцияси ёмон бўлган, кифти асабий равишда титраб турган. Маълумотларга қараганда, Демосфен овозини ўстириш учун оғзига майда тошларни солиб, денгиз кирғоғида нутқ сўзларди ва тўлқин шовқин-суронини босиб кетишга ҳаракат қиларди. Кифтининг титрашидан қутулиш учун шифтга қиличини шундай илардики, унинг ўткир учи кифтга яқин турарди ва кифти титрагудек бўлса, қиличнинг учи тегиб оғритарди. Шу йўсинда олиб борилган узлуксиз машқлар Демосфенга жисмоний камчиликларни бартараф қилишга имкон берган [4,18-19].

Бу каби ҳаётий хикоялар машҳур нотикларнинг минбар салобатини қанчалар чуқур ҳис қилганлигидан далолат беради.

Шунинг учун ҳам таъсирчан нутқи туфайли дунёга танилган нотик, сўз санъаткорларининг ҳаммаси омма олдига чиқишга жуда катта масъулият билан ёндашганлар. Фикримизнинг исботи учун машҳур адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг турмуш ўртоғи Кибриё Қаххорованинг “Чорак аср ҳамнафас” китобидан айрим парчаларни келтирамиз: “Ёзувчилар союзида бўладиган йиғинларга келган ёшлар ҳамиша Абдулла Қаҳҳорнинг сўзга чиқишини сабрсизлик билан кутишар, президиумга доимо даста-даста саволлар тушарди. Абдулла Қаҳҳор сўзга чиқишини мажлис аҳли интиқ бўлиб кутар эди.

Мана, 1965 йилнинг май ойида ўтган Ёзувчилар съезди президиумига тушган хатлардан айримлари:

“Ҳурматли Абдулла Қаҳҳор! Китобхонлар сизнинг сўзга чиқишингизни кутмоқда”.

“Съезд президиумига.

Ҳурматли Абдулла Қаҳҳор!

Съезднинг ёш делегатлари бўлган университет студентлари сизнинг бугунги йиғилишда сўзга чиқишингизни илтимос қиладилар”.

“Ҳурматли Абдулла Қаҳҳор!

Биз – китобхонлар сизнинг нутқингизни, адабиётимизнинг тақдири масалалари, келажаги ҳақидаги доно фикрларингизга муштоқмиз. Шу бугун, тўғрироғи ҳозир чиқишингизни кутамиз”.

“Ҳурматли Сергей Петрович!

Абдулла Қаҳҳор қачон сўзга чиқади? Сабрсизлик билан кутмоқдамиз.

Китобхонлар...” [5,30-31].

“...Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига хос хислатларидан яна бири шу эдики, у киши то айтадиган сўзларини қоғозга туширмасалар, кўнгилда туғиб қўйган гаплари бўлмаса минбарга чиқмас эдилар. Тўй ёки ўтиришларга бориб табриклаганда айтадиган икки оғиз сўзларини ҳам аввал қоғозга тушириб олардилар. Тайёргарлик кўрмасдан бирон маротаба минбарга чиққанларини билмайман. Бу албатта, минбарга чиққанда қоғозга қараб гапирар экан, деган маънони англа-

маслиги керак. Абдулла Қаҳҳор доимо қоғозсиз гапирардилар. Аммо минбарга чиқиб айтадиган сўзларини “етти ўлчаб, бир кесиб”, кўнгиллари тўлгачгина айтар эдилар. Бу ўша аудиторияга нисбатан катта ҳурмат сақлашининг аломати эди” [5,32].

Бугунги кунда минбарнинг шакл ва мазмуни ўзгариб, мисли кўрилмаган даражада кенгайиб бормоқда. Яъни, омавий-ахборот воситалари, радио-телевидение, телефон, интернет тармоқлари бугунги куннинг миллионлар минбарлари бўлиб, бу минбарда сўз айтиш, ундан фойдаланишнинг ҳам катта масъулияти, салобати бордир. Бу ҳақда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Ижтимоий одоблар” китобида батафсил маълумот берилган. Бу асардан бир парча келтириш билан минбар салобати ҳақидаги катта мавзудаги фикримизни мухтасар қилишга ҳаракат қиламиз: **“Матбуот ва ахборот воситалари вакиллари бўлмагур мишмишлар, қабоҳатлар ва беҳаё нарсаларни тарқатишдан ўзини сақлаши керак.**

...Фахш гапларни гапириш, унга тааллуқли бошқа воситаларни тарқатиш, тарғибот қилиш, тарқалишига сабабчи бўлиш – ҳамма-ҳаммаси аламли азобга лойик улкан гуноҳ экани турган гап. ...Шунинг учун ҳам бузук гапларни гапириш” динимизда ман қилинади...” [2, 281].

Х у л л а с :

а) ўз номи ўзи билан “баланд жой” маъносини англатадиган минбар қадимдан эъзозлаб келинган ва бу муқаддас маскандас сўз айтиш катта масъулиятли вазифа деб қаралган;

б) “ахборот асри” дея ном олган бугунги кунда минбарнинг шакли ва мазмуни кенгайиб, ўзгариб бормоқда;

в) ҳар қандай ҳолатда ҳам аجدодларимиз томонидан улуғланган минбар салобатини ҳеч қачон унутмаслик замондошларимизнинг муқаддас бурчидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Карнеги Д. Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.

2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Тошкент: “HILOL-NASH”, 2013.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

4. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.

5. Қаҳҳорова К. Чорак аср ҳамнафас. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987.

TOPISHMOQLARNING O'RNI	197
М.Турсунова. ПРОБЛЕМЫ ИНТЕНСИВНОГО ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ В ЦЕЛЯХ ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ УЧАЩЕЙСЯ МОЛОДЕЖИ.....	199
А.Абдуллаев. МАКТАБ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАРНИ ЎРГАНИШДА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТ БЕРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУРАККАБЛИКЛАР	201
К.Сатвалдиев. ВЫРАЗИТЕЛЬНОЕ ЧТЕНИЕ КАК ОСОБАЯ ФОРМА ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КУЛЬТУРЫ	205
Т.Алимов, В.Гимадетдинова. ИНФОРМАЦИОННО-КОМПЬЮТЕРНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ ЛИТЕРАТУРЫ	207
А.Yulchiyeva. МАКТАВДА “ТО‘MARIS” ASARINI O‘QITISH TAJRIBASIDAN	209
Олтинчи бўлим. ЖАҲОН АДАБИЁТИ, ТАРЖИМАШУНОСЛИК, ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ	
N.Fsadixli, I.Tursunov. KIBRIS'TA TÜRK EDEBİYATININ OSMANLI DÖNEMİ	212
Р.Гайнулина. ЗНАЧЕНИЕ ЗАИМСТВЕННЫХ ЛЕКСИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ ТАТАРСКОГО ЯЗЫКА.....	214
Ш.Искандарова. ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК МАЙДОН ТАЛҚИНИ ҲАҚИДА	217
Н.Рахмонов. “ЎҒУЗНОМА”ДАГИ ГЕОГРАФИК НОМЛАР БУЮК ИПАК ЙЎЛИ МАДАНИЯТИ ҚАМРОВИДА	221
С.Мўминов, Ш.Мўминов. МИНБАР САЛОБАТИ	223
М.Ҳакимов, М.Газиева, М.Бурханова. ДЕЙКТИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИ	226
М.Тожибоева. ФИТРАТНИНГ АДАБИЙ АНЪАНАЛАРГА ВОРИСЛИК МАСАЛАСИГА МУНОСАБАТИ	229
С.Иманова. ОСМЫСЛЕНИЕ ПОНЯТИЙ ДОБРА И ЗЛА В МИРОВОЗЗРЕНИИ Ф.М.ДОСТОЕВСКОГО	231
Я.Агазаде. ВОПРОСЫ ПОЭТИКИ В АЗЕРБАЙДЖАНСКОЙ САТИРИЧЕСКОЙ ПОЭЗИИ	234
Б.Яркинова. ЯҚИН ТУРКИЙ ТИЛЛАРДАН ТАРЖИМА ХОССАЛАРИ	240
Г.Давлятова, Ш.Саминжонова. ИЗУЧЕНИЕ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ДИМИНУТИВОВ В РЕЧИ И ИХ ОСОБЕННОСТЕЙ	242
С.Махмудова. ЭРКИН АЪЗАМНИНГ СЎЗ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ	244